

Элбек терминлар масаласида тил софлигига алоҳида диккат-эътибор қаратди. Үзбек терминологияси тизимини тилнинг ўз ички манбалари ва имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда янги терминлар билан бойитди.

Умуман олганда, Элбек үзининг серкирра ва салмокли илмий-усулий мероси билан үзбек миллий тилшунослиги ҳамда таълимшунослиги тараққиётига муносиб хисса қўшиди.

#### АДАБИЁТЛАР:

- [1].Абдурахмонов Ф. Үзбек ҳалқи ва тилининг шаклланиши ҳакида.—Т.: Фан, 1999. -86 бет;
- [2].Бобомуродова Ш. Үзбек тилшунослиги ривожида Элбекнинг роли: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. —Т.: ҮзРФА ТАИ, 2002. -26 бет; [3].Узоков Х. Эрк йулида эрксиз кетган фидойи // Элбек. Танланган асарлар. —Т.: Шарқ, 1999. 3-21-бетлар; [4].Элбек. Бошланғич мақтабда она тили // Танланган асарлар. —Т.: Шарқ, 1999. 259-274-бетлар; [5].Элбек. Ёзув йуллари // Танланган асарлар. —Т.: Шарқ, 1999. 274-285-бетлар; [6].Элбек. Имло масаласи // Танланган асарлар. —Т.: Шарқ, 1999. 253-258-бетлар.

Бухоро давлат университети

Қабул килинди:  
03.03.2011

УДК: 10.01.01.

УЧЧАНОҚ ВА СИДЖО

Қ.Йулчиев

*В статье изложены размышления о сравнительном изучении узбекского трёстичья с корейским сиджо.*

*The article presents reflections on the comparative study of the Uzbek triplets with Korean sijo.*

“Баъзи асарлар мавзусининг яқинлигини, умумий манбаси, элементларининг ўхшашлиги, бир хил сиёсий йўналиши ва ниҳоят умумий фалсафий концепцияси билан ажralиб туради. Шу тариқа мураккаб структураларнинг кўпкиррали типологик ўхшашлиги юзага келди ва уларга қизикиш кучаяди”[1]. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Анвар Обиджон ижодидаги “уччанок” шеърлар ҳам шакли ва мазмуни жиҳатидан корейс шеъриятидаги сиджога яқин туради.

Сиджо(“faslularni kuylash vakti” ёки “замонавий қушклар”) дастлаб фольклор қушиғи сифатида пайдо бўлган ва XIII асрда шеърий жанрга айланган. Сиджо Сонган (Чон Чхоль; 1537 - 1593.), Косан (Юн Сондо; 1587 - 1671 гг.) ижодларида үзининг юксак даражасига етган[2]. Масалан, Сонган(1537 - 1593)нинг қуидаги шеърида висол чексиз баҳттир деган гояни диний тушунчалар замирида ёркин ифодаланганд.

Йул буйида, ялангбош

Юзма-юздир Тош Буддалар –

Йўқ ҳижрон.

Шеърдаги Будда ҳайкаллари учрашиб, узоқ вакт йул четида яшашлари кўйланган. Шеърнинг бош образи Будда ҳайкаллари саналиб, мангу хаёт тимсоли. Улар йул – хаёт уткичлигини, тош эса букилмас иродга эканлигини англашган. Ҳижронда аслий мақсаддан четлашиб, кундалик ташвишлар билан кўмилиб колган, машаккатдаги одам тасвири бор. Нурланиб комиллик эришган Буддалар эса ўзаро учрашиб, мангу сокинликка эришган.

Сиджонинг биринчи ва иккинчи мисраларида иккитадан тўртта туроқ булади. Бешинчи туроқ эса алоҳида катор булади ва у уч бўғиндан ташкил топади. Ўрта асрларда корес шоирлари бу талабга катъий амал қилишган. Масалан, шоир Сонам (1532-1587)нинг сиджосида ҳам биринчи ва иккинчи каторлар тўртта, учинчи мисрада эса битта туроқ мавжуд. Лекин корейс ва үзбек адабий тили ўртасидаги ўзига хосликлар туроклардаги бўғинларнинг айнан сақланишига имкон бермайди. Шундай булса-да, сиджо мазмуни ва кисман шаклини тадқиқ қилиш имкони мавжуд:

Оқшом чўқди. Тугади ишлар,

Ёпиб дарвозани, ётдим ойдинда.

Дил – ҳоли.

Үнда тириклик ташвишидан сүнг ҳордикқа кетган лирик қаҳрамон кечинмалари ифодаланған. Шунингдек, сиджода корейс шеърларига хос эпик құлам, бириңчи туроқдан кейин нұкта құйилиши, “окшом чүкди” гапига құламдорлық берган ва үкувчини мисранинг иккі кисмидаги “тұгади ишлар” жумласын тайёрләяпти. Мисрадаги ҳар иккі туроқда ҳам өзөлікнінг якуни ҳакида сүз юритилиб, лирик қаҳрамоннінг айнан окшом чүкиши ва ишларнінг тугашини интиклик билан күтгани ёки тинимсиздан толикқаннан англатади. Бу фикрни кейинги сатрлар исботлады. Охирғи мисра эса лирик қаҳрамон ніхоят юраги ташвишлардан күтилиб үзи билан үзи қолганидан курсандығын ифодалаган.

Уччаноқлар катый шақлға эга: деярли барча шеър 4+3 тарзда туроқланади, 7 бүғинли, бириңчи ва иккінчи мисраси үзаро кофияланади, учинчи мисраси эса кофияланмайды. Аксарият ҳолларда тезис+тезис+синтез шақлдаги композицияға эга бұлади. Күпинча ижитимой мавзуда бўлиб, ишқ, севги, табиат мавзулари нисбатан кам учрайди.

Танамдан күр сұнмокда,

Күзимдан нур сұнмокда...

Дурға тулиб борар бош [3].

Мазкур шеърда инсон умрининг үтиб бораётгани ва тажрибалари орттани сайн акли тұлишиб бориши ҳодисаси ифодаланған. Лекин лирик қаҳрамоннінг ички кечинмасидаги үзига хослик, шеър матннан бадий образлилықтың таъминлаш мақсадыда муаллиф айнан метафорадан фойдаланған. Бу ерда “умр” сузы яшириң бўлиб күп нұктанинг үрніңде құйилса, шеър мазмуни очилади. Аммо уннинг бадий-эстетик таъсири бироз пасайиши мүмкін. Шунинг учун шоир атайнин “умр” сузыны тушириб қолдириб, уннинг үрніңде умумий ҳолатда метонимия усули ёрдамида үтәётгандың вактга, умрга ишора қылмақда. Шу тарика шеърда метафорик образ ва метонимик усул ёнма-ён ишлатылған. Айнан шу нарса шеърга мазмуний бутунлик, бадий яхлитлик баҳш эттән. Лирик қаҳрамон кечинмасини англатаётганды “күр сұнмокда” бирикмаси матндан ажратып олинса, уннинг маъноси жуда ғалып, умумийлик касб этади. Лекин контекст доирасыда “танамдан”, “күзимдан” сузларидаги үзаро охангдорлықнан қозаға келтириб, шеърдаги белгиларнінг товуш жиҳатдан эвфониклигини оширган, мазмуннинг оханг ёрдамида очишишінде ҳисса құшган. Натижада мазмунний структуралдаги аник үналиш қозаға келған ва мазмун индивидуаллик, поэтик мөхият касб эттән.

Шеърда лирик қаҳрамон қувватини олаётгандың нарса бесамар иш, юмуш, вазифа, вакт, умр, фарзанд, омонат каби маъноларни англатади. Лекин шоир уларни аник айтмайды. Бу үринде шоир метафора ёрдамида мазмунлар ассоциациясіні яратып әріштеди. Аввало бу лирик қаҳрамоннінг қарчашыда күрінса, бесамар үтәётгандың умрга ачиниш, тугаб бораётгандың ғайрат, шижақтага ҳам ишора қылғаныпты. Буниңде кейинги сатр орқали ҳам илғаш мүмкін. “Күзимда нур сұнмокда” сатри метонимик асосда күзи хирадашиши деган жараённің қайта номлаш билан үкувчига лирик қаҳрамон кечинмасини англатади. Лекин шеър билан яхлит метафорик бирикмаси ҳосил қилаётганинін иносабатта олсак, у ҳам метафорик образ яратышда үзига хос вазифа бажарыпты. Яնы бириңчи сатрда лирик қаҳрамон айтмолған үйкү. Чунки лирик қаҳрамон кимдир үнгә панды берәётгани, нимадандыр күнгі тұлмаётганинде ишора киляпты. Аммо бу ҳали мавхұм. Ана шу мавхұмлар “Дурға тулиб борар бош” сатри орқали аникланади. Шу ерда ақыл аслида метонимия орқали дур деб қайта номланған. Чунки ақыл инсон ҳәётида асосий үрін тутиши, у кишига чексиз моддий-маънавий бойлик олиб келиши ҳақидағы фикрларни истаганча келтириш мүмкін. Дур орқали ақлан етук кишининг ички кечинмаларини очиб берилған ва образ яратылған. Ана шу образ метонимик асосидаги метафорик образынан айырмайды. У маъно күчим туридан образға айланған. Чунки лирик қаҳрамон англаган ҳәётий ҳақиқатнан шеърдаги метафора образға айлантырылған. Шеърнинг бадий-эстетик күчінинде күчайтырылған. Үндегі образ тип жиҳатидан таҳлилий-холосавий шеърнің қозаға чиқарған. Лекин өзөлікнің ташкиллаш жарапында “-мокда” құшимчаның иккі қайта күлланиши, учинчи үринде “-ар” құшимчасы орқали яна шу маъно ифодаловчы шақлнинг келиши лирик қаҳрамон англаган, хис күлгін жараён тугамаганини, асосий ғоя бадий-эстетик функция нұктасынан назаридан үкувчы диліда ҳам давом этишига ишора бор. Бунда шеърдаги белгі ва уннинг мазмун гомони ҳам алохидан үріннен шақырылады. Чунки кофия(нур, күр) ва радиғ(сұнмокда)нін құлланиши, буннинг устига танамдан, күзимдан сұзларидаги охандошлиқ, учинчи мисрадаги рәсми товуш товланмалары шеър структурасында үзига хослик

киритган. “Асар тилидаги сўз белги булиб келиши мумкин. Товуш эса мустакил маъно билдирувчи сифатида сўзга тенг”[4], – дейди Ю.Лотман. Демак, шеър матни ва уни ўқиш жараёнида белги ва товуш ўргасидаги муносабат аникланади. Яъни шеърнинг биринчи сатридаги бир неча товушлар тизим катнашиб, лирик кечинманинг табиатини аниқлаб келган. Биринчиси ў-у товушлар занжири, иккинчиси н-м-н-р-н-м товушлар, учинчиси эса т-д-д тизимиdir. Улар мазмуннинг бадиий-эстетик таъсирини кучайтирган. Бу ҳол кейинги сатрларда кисман ўзгариш билан сакланиб қолган. Учинчи сатрда эса асосий ғояга мутаносиб равища кескин ўзгаришлар юз берган. Яъни д-т; б-б ва р-р-р товушлар тизими аввалги сатрларда кечинма ва мазмуннинг охангдорлигини оширган. Товушларнинг сатрлар оша горизонтал равища бу қадар ўзаро мутаносиблиги яхлитлики ташкил этса, сатрлар сўнгидаги о товушининг вертикал ҳолда ўзаро охангдорлиги шеърга янада мусикийлик бағишилаган.

Хуллас, юкоридаги шеърларни ўзаро киёлаганда, барчасида ўзига хос инсон ва унинг кечинмалари борлиги кўзга ташланади. Факат бири корейс иккинчиси ўзбек шеърияти-нинг намунасидир. Ҳаётга муҳаббат, дунёнинг ўткинчилиги, вакт ўтган сайин одам тажрибали булиб бориши хакидаги мавзулар шеърларни мазмун томондан бир-бирига яқинлаштиурса, уч мисрали шеър эканлиги шаклий ўхшашликка олиб келган. Шакл ва мазмун жихатдар сиджо ва уччаноқ шаклан ихчам, мазмунан теран шеърлар қаторига киради. Шу маънода Анвар Обиджоннинг уччаноклари дунё ҳалклари орасида ўзининг аналогига эга бўлган мустакил жанр сифатида ўрин тутади.

#### АДАБИЁТЛАР:

- [1]. <http://medialib.pspu.ru/page.php?id=860>. Александр Дима. Принципы сравнительного литературоведения, «Прогресс», –М.: 1977, - стр 159.; [2]. [http://vladivostok.com/speaking\\_in\\_tongue\\_s/sijo.htm](http://vladivostok.com/speaking_in_tongue_s/sijo.htm). Корес шоирларининг шеърлари мазкур манбадан олинди.; [3]. Анвар Обиджон. Танланган шеърлар. “Шарқ” НМАК.-Тошкент. 2006. 254-бет. [4]. [http://www.gumer.info/bibliotek\\_Buks/Literat/lotlek/01.php](http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Literat/lotlek/01.php) Лотман Ю. Лекции по структуральной поэтике.

Адабиётшунослик кафедраси

Қабул қилинди:

20.04.2011

УДК: 809.1

## АБДУЛЛА ҚАҲХОР ИЖОДИДА ПЕРИФРАЗА

И.Рустамова, И.Ҳакимова

*В статье раскрыты проблемы литературного сравнения в романе А.Каххара «Мираж».*

*The problems of literary comparison in “Sarob” (“Mirage”) by A.Kakhhar are explored in the article.*

“Перифраза (юн. *periphrasis* – якин гапираман сўзидан) кўчим турларидан бири булиб, унда нарса ёки инсон уз номи билан эмас, балки унга хос асосий белгилар, хусусиятлар номи билан юритилади”[1]. Бадиий асадардаги образлар номи предмет ва инсонга хос белги, хусусият номи билан аталади. Ухшатишлар асосида образли ифода яратилгач, асар сюжетида шу белги ривожланиб, перифразага айланади. Аввалгига ўх-шаш белгилар, хусусиятлар асосида тилга олинган образ номи секин-аста унинг белгиси номи билан ёки ухшатилган предметнинг уз номи билан атала бошлайди. Демак, пери-фраза бадиий образ ҳарактерини янада мукаммал очиб бериш учун муаллиф томо-нидан қўлланилган сўз ва сўз биримаси хисобланади.

А.Қаҳхорнинг қатор ҳикоя, роман ва қиссаларида ана шундай перифразалар қўлланган. Адабнинг “Сароб” романида перифраза мавжуд булиб, перифразадан фойдаланишдан олдин муаллиф шундай портрет тасвирини беради. “Ячейка ҳамон уз ишини қилас эди. Саидийни рабфакда ўқийдиган қўупол, йугон гавдали, новча бир шахтёрга боғлаб қўиди. Саидий индай олмади, аммо ичидан ғижинар эди”[2-43] “Тўнгак” билан профессор ўртасида